

ЭРАЗМУС ПЛЮС “ЕРСА” ЛОЙИҲАСИНИНГ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИ

**Али Мансоуриан, Лунд университети (Швеция),
Матчанов М.Ж., С.А.Авезов, Урганч давлат университети.**

Эразмус + “ЕРСА” дастури Швеция давлатининг Лунд университети ва Ўзбекистон Республикасининг Урганч Давлат университети билан ҳамкорликда ҳамда ушбу университетларнинг тенг томонли бошқаруви асосида “Марказий Осиёда фазовий тадқиқот усуллари ва географик ахборот технологияларини қўллаш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий офатларни бошқариш ҳамда салбий таъсирини камайтириш”га қаратилган бўлиб 2018/2019 йилларда қуйидаги асосий ишларни олиб борилиши режалаштирилган:

- Учта модул тизимга асосланган инновацион–фанлараро ўқув курсларини тайёрлаш:

- “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий офатлар рискинни юмшатиш бўйича интернет асосли маълумотларни бошқариш тизими”ни ишлаб чиқиш:

- Ўқув ва масофавий таълим лабораториялари учун жихозларни сотиб олиш.

Модул тизимга асосланган инновацион ўқув курсларининг таркибини шакллантириш мақсадида 12.02.2018 йилдан 19.03.2018 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон ва Қирғизистон республикаларидаги Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмиталари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда шу соҳадаги кўплаб ташкилотлар, илмий муассасаларда замонавий технологик имкониятлар, асосан, масофадан маълумотлар олиш ва улардан мақсадли фойдаланиш масалалари кесимида сўровномалар ўтказилди ҳамда шу ташкилотларнинг эҳтиёжлари аниқланди. Эҳтиёжлар Греция давлатининг Афина Миллий техника университетида 19-26 май 2018 йил кунлари бўлиб ўтган учрашувда тақдимот қилинди ва мутахассислар томонидан кенг таҳлил қилиниб, ўқув курсларининг таркиби шакллантирилди. Лойиҳанинг барча

ҳамкорлари ўзларининг илмий имкониятлари доирасида мавзуларни танлаб олдилар. “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий офатлар рискинни юмшатиш бўйича интернет асосли маълумотларни бошқариш тизими”нинг таркиби, вазифалари келишиб олинди ҳамда кейинчалик уни тайёрлаш мақсадида тендер ўтказилди.

Урганч давлат университети ва Қорақалпоқ давлат университетларида ўқув, масофавий таълим лабораториялари учун жихозларни сотиб олиш ҳамда университетлар манзилига етказиш учун тендер ўтказилди. Тендерда қатнашган савдо фирмаларининг таклифлари университетлар ишчи гуруҳлари томонидан кўриб чиқилди ҳамда “BROWSEYOU LLC” фирмаси билан уч томонлама шартнома имзоланди.

Ўқув курсларининг дастлабки нусхалари ва тайёргарлик жараёнидаги муаммолар 02-07.09.2018 йил кунлари Португалиянинг Минью университетида кўриб чиқилди. Лойиҳанинг Европа Иттифоқидаги ҳамкорлари модул тизимидаги курсларни тайёрлаш, видео маърузаларни ёзиш бўйича тажрибаларини ўртоқлашдилар. Курсларнинг тайёргарлик ишлари лойиҳа веб-саҳифасида эълон қилиб борилди.

Амалга оширилган ишларни мониторинг қилиш, илмий салоҳият ва муҳитни ўрганиш асосида кейинги ҳамкорликни таъминлаш, ҳамкор ташкилотлар билан учрашиш ҳамда уларнинг лойиҳага қизиқишларини ўрганиш мақсадида Лунд университети профессори Али Мансоуриан ва Ўзбекистон Миллий Эразмус офиси эксперти Қ. Бахадировлар 18-20.09.2018 йил кунлари университетга ташриф буюрдилар. Улар университет ўқув-илмий имкониятлари ва вилоят табиий шароити билан яқиндан танишдилар. Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон республикасидаги соҳа мутахассислари билан учрашув бўлиб ўтди. Мониторинг ва учрашув таклифлари асосида лойиҳа веб-саҳифаси ўзбек тилига таржима қилинди, университет бўйича лойиҳа аъзоларининг ишчи таркибини кенгайтирилди, натижаларни кенг оммага етказиш бўйича ишлар амалга оширилди.

Лойиҳа режасига асосан 2019 йилнинг январ ойида “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий офатлар рискани юмшатиш бўйича интернет асосли маълумотларни бошқариш тизими” тайёрланиб дастлабки муҳокамага топширилди. Ҳозирда камчиликларни тўғирлаш ва вазифалар тўлиқлигини текшириш ишлари амалга оширилмоқда.

02-08.03.2019 йил кунлари Литва давлатининг Вильнюс Гедеминас Техника университетида ўқув курслари якунланиши ва синовчи талабаларга топширилиши режалаштирилган. Марказий Осиёдаги ҳамкор университетлар белгиланган маълумотлар, ўқув курсларини тайёрлаб топширдилар. Шу кунларда “BROWSEYOU LLC” фирмаси томонидан ўқув ва масофавий таълим лабораториялари учун жихозларни Ўзбекистонга олиб кирилди, божхона расмийлаштириши учун тақдим қилинди.